2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 75 (331), 2021 йил 15 апрель, пайшанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ҚАДАМЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИЛАР






**14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.**

Кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон шериклигининг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорликни, ҳудудлар ўртасидаги алмашинувларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш масалалари ўрин олди.

Суҳбат аввалида икки мамлакат етакчилари муборак Рамазон ойи бошлангани муносабати билан бир-бирини самимий табриклаб, дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Кейинги йилларда олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланишига, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Пандемияга қарамай, фаол алмашинувлар давом этди. Ўзаро савдо ҳажми ошиб, қўшма бизнес лойиҳалари сони кўпаймоқда.

Ҳудудлар ўртасида шериклик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида Панжоб штати ҳокими раҳбарлигидаги ишбилармонлик миссиясининг Наманган вилоятига ташрифи муваффақиятли ўтди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Трансафғон темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда.

Онлайн-учрашувда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги шериклик ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий вазифалари батафсил кўриб чиқилди ва биринчи галдаги чоралар белгилаб олинди. Бўлажак тадбирлар режаси келишилди.

Конструктив сиёсий мулоқотни, парламентлараро ҳамда халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин алоқаларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги устувор лойиҳаларни илгари суриш, товар айирбошлашни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш кооперациясини кучайтириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш, жумладан, имтиёзли савдо тўғрисида битим ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамкорлик борасида “йўл харитаси”ни қабул қилиш, қўшма ишбилармонлик форумларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги авиақатновларни тиклаш масаласи ўрганилади.

Икки мамлакат етакчилари Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тез фурсатда ҳал этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатнинг жадал иқтисодий тикланишига қаратилган саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибининг бошқа жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Умуман, Ўзбекистон — Покистон саммити ҳар доимгидек очиқ, амалий ва дўстона руҳда ўтди.

Учрашув якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда стандартлаштириш ва метрология, қишлоқ хўжалиги каби бошқа соҳаларда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ, ШВЕЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан конструктив шериклигини ривожлантириш, Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ билан самарали мулоқотнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди ҳамда Швециянинг ташкилотга раислигининг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Кейинги йилларда, шу жумладан, ушбу нуфузли минтақавий ташкилотнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори офисининг изчил саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро мулоқот ва алмашинувлар жадаллашгани таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Президенти ЕХҲТ билан кўп қиррали шерикликни, аввало, мамлакатимизда муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик доирасида кенгайтиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон ташкилотнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Парламент ассамблеяси билан сермаҳсул мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Яқин орада бир қатор қўшма тадбирларни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти Швеция билан икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, Швеция етакчи компанияларининг инновациялари ва инвестицияларини мамлакатимизга жалб этиш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтиришни муҳим йўналишлар сифатида қайд этди.

Швецияда Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясини ташкил этиш мамлакатларимиз ўртасидаги ва умуман, скандинав давлатлари билан ҳамкорликнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири илиқ қабул ва очиқ суҳбат учун самимий миннатдорлик билдирди.

Анн Линде Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

ЕХҲТ доирасидаги қўшма ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани ҳамда Швеция билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани учун миннатдорчилик билдирилди.

**ЎзА**

### САЙЛОВ — 2021

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

**14 апрель куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ва Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловига оид қатор низомлари лойиҳалари муҳокама қилинди.**

Унда мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш йўлида ўз олдига буюк мақсадларни қўйган янги Ўзбекистонда Президент сайлови бу йил янги миллий сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро стандартларга амал қилинган ҳолда, демократик тамойиллар асосида ва бутунлай янгича муҳитда ўтиши алоҳида таъкидланди.

Президент сайлови мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

Бу сайловда очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик амалда кенг таъминланиши учун барча даражадаги сайлов комиссиялари, барча сайлов ташкилотчилари ўз ишини энг илғор демократик принциплар асосида ва юксак ташкилий даражада бажаришини тақозо қилади.

Давоми 2-бетда

## ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

**Ўзбекистонда қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар сони**




Манба: Давлат статистика қўмитаси

### “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



**Фурқат СИДИҚОВ, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари:**

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН ВИДЕОСАММИТИ ЯКУНЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— Жанубий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Салмоқли сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга Покистон ушбу йўналишдаги истиқболли ҳамкордир.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватламоқда, ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари жадал ривожланаётгани, мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар шундан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган навбатдаги саммити якунлари ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Россия Федерациясига расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси В.Матвиенко билан учрашди.**

Томонлар давлатлараро, парламентлараро муносабатларнинг муҳим жиҳатлари, ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашди.

Икки мамлакат Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг кучли сиёсий иродаси ҳамда алоҳида шахсий муносабатлари шарофати билан икки томонлама ҳамкорлик барча даражаларда жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

В.Матвиенко Ўзбекистонда фуқароларнинг фаровонлигини ошириш мақсадида очиқ демократик жамият қуришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий соҳада жадал амалга оширилаётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга бўлажак ташрифи муносабати билан олий даражадаги учрашув кун тартибини мазмунан бойитиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Икки томонлама ҳужжатларнинг катта тўплами тайёрланди. Парламентлар уларни амалда рўёбга чиқаришга ҳисса қўшиши керак.

Федерация Кенгаши Раиси Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида (ЕОИИ) кузатувчи мақомини олганлигини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон — Россия муносабатларига янгича туртки бериши таъкидланди.

Учрашув давомида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу нуқтаи назардан, иккинчи Ҳудудлараро ҳамкорлик форумини ўтказиш муҳимлигига урғу берилди.

Шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш масалалари, "Марказий Осиё мамлакатлари раҳбар аёллари билан мулоқот" платформаси фаолияти кўриб чиқилди.

Бағрикенглик масаласида Ўзбекистоннинг бой тажрибасини инобатга олган ҳолда, Россия томони 2022 йил май ойида ўтказиладиган Динлараро ва миллатлараро мулоқот бўйича Бутунжаҳон конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Учрашувда Сенат раиси Т.Норбоева ёшлар парламентлари орқали ҳамкорликни ривожлантириш, меҳнат мигрантлари манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш бўйича ишларни давом эттириш ҳамда ватандошларимиз билан учрашув давомида кўтарилган бошқа масалаларни Олий Мажлис Сенати ва Федерал Мажлис Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия фаолияти доирасида ҳал этиш ҳақида тўхталиб ўтди.

Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида меҳнат миграцияси масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

**ЎзА**

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

# ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН ВИДЕОСАММИТИ ЯКУНЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик кун тартибида турган барча долзарб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалар алоҳида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро савдо ҳажми сўнгги тўрт йилда 3,5 бараварга ўсгани, қўшма корхоналар сони деярли юзтага кўпайганини таъкидлар экан, ҳали бу йўналишда улкан салоҳият мавжудлигига эътибор қаратди.

Ушбу имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланишда "Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли қурилиши муҳим роль ўйнайди. Етакчи халқаро экспертлар мазкур уч томонлама мутлақо янги транспорт-транзит лойиҳаси бўйича ташаббуснинг илгари сурилиши Президент Шавкат Мирзиёев қатъий сиёсий иродасини намоён этмоқда, дея юқори баҳо бермоқда.

Покистон Бош вазири Шри-Ланкага сафари чоғида ушбу мамлакат ишбилармон доира вакилларини Ўзбекистон Президентининг минтақавий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган инфратузилма лойиҳаларида фаол иштирок этишга чақирди.

Президентимиз видеосаммит чоғида Покистон Бош вазирига темир йўл қурилишини икки томондан муқобил равишда тезроқ бошлашни таклиф қилди. "Биз Мозори-Шарифдан, Сизлар эса Пешовардан йўлни қура бошлашимиз керак", деди давлатимиз раҳбари.

Янги темир йўл афзалликлари халқаро доираларда юксак эътироф этилмоқда. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш керак. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги транспорт йўлаги фойдаланишга топширилиши 20 футлик контейнер ташиш харажатларини деярли 3 бараварга қисқартиради. Тошкентдан Карачига юк ташиш нархи ҳозиргидан қарийб 1,5-2 баравар арзонлашади.

Ушбу мантиқий занжирни давом эттириб айтиш мумкинки, транспорт рентабеллиги ошиши ўз-ўзидан юк ташиш ҳажми кўпайиши, демак, савдо айланмаси ўсишига салмоқли ҳисса қўшади. Шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожланишига эришиш учун кучли пойдевор яратади. Ўз навбатида, Афғонистоннинг ички транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтиришга ҳам ёрдам беради.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш орқали янги поғонага кўтарилади. Видеосаммитда бу масалага алоҳида урғу берилди.

Бугун Наманган вилояти ва Покистоннинг Панжоб вилояти ўртасида самарали ҳамкорлик шаклланмоқда. Хусусан, яқинда Панжоб вилояти губернатори бошчилигидаги катта делегация Фарғона водийсига ташриф буюрди ва ўзаро музокаралар натижасида икки вилоят ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди, "Наманган — Панжоб" биринчи минтақалараро бизнес-форуми, "B2G" ва "B2B" шаклларида музокаралар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил июль ойида Тошкентда Покистон Бош вазири маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довуд бошчилигидаги делегация иштирокида бизнес ҳафталик ўтказилиши режалаштирилаётганига эътибор қаратди. Бу икки давлат ҳамкорлиги тарихидаги биринчи ана шундай йирик анжуман бўлади.

Мамлакатларимиз етакчи халқаро ташкилотлар доирасида яқин алоқаларни йўлга қўйган. Ўзбекистон Президенти БМТ, ШҲТ ва ИҲТ доирасида яқин муносабатларни давом эттиришдан манфаатдорлик билдирди.

Маданий-гуманитар йўналишдаги алоқалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Икки давлат халқларининг умумий жиҳатлари жуда кўп — ислом дини ва таълимоти, тасаввуф ва фиқҳнинг ягона мактаби, бир неча асрлик тарих, умумий урф-одатлар, қадриятлар, ҳатто тилларимизнинг яқинлиги бизни бирлаштириб туради. Ўзбек ва урду тилларида уч мингдан ортиқ бир хил сўз бор. Покистондаги кўплаб одамлар "менинг илдизларим Бухоро ёки Фарғонадан", деб айтиши мумкин.

Покистон сиёсий ва ишбилармон доиралари, кенг жамоатчилик вакиллари Ўзбекистон томонидан зиёрат туризми соҳасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, Имом Бухорий, Нақшбандий ва бошқа буюк алломалар туғилиб ўсган заминни зиёрат қилишга очилаётган имкониятлар учун ниҳоятда миннатдор ва мамлакатимизнинг бундай сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

Бобурийлар сулоласи Покистонда бебаҳо тарихий-маданий мерос қолдирган, минтақада ноёб цивилизация, шу жумладан, бебаҳо адабиёт ва санъат намуналари яратилишига улкан ҳисса қўшган. Бу Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги дўстона муносабатлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Покистон Ўзбекистон учун нафақат минтақавий ҳамкор, балки катта истиқболли бозор ва дунё океанига чиқадиган муҳим стратегик йўл ҳамдир. Ушбу мамлакат билан ҳамкорлик ривож топаётгани Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё минтақасига юзланишини ифодалайди.

Давлатимиз раҳбари видеоанжуман чоғида Покистонга вақт синовидан ўтган муҳим ва анъанавий ҳамкор, дея таъриф берди. Олий даражадаги навбатдаги анжуман якунлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишига ишонамиз.

**"Дунё" АА**

## Ўзбекистон – Покистон саммити:

# ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

**Ўзбекистон ва Покистон етакчилари ўртасида ўтказилган онлайн-саммит натижалари Покистон эксперт-таҳлилий, ишбилармон доираларида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.**

**Надим Ҳолид,**
**"Herbion Pakistan" ва "Getz Pharma" фармацевтика компанияларининг Ўзбекистондаги ижрочи директори:**

— Покистон кенг жамоатчилиги, айниқса, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва ишбилармон доиралар вакиллари ушбу онлайн-мулоқот якунларини юқори баҳоламоқда. Мамлакатларимиз нафақат ўзаро ҳамкорликни, балки минтақалараро алоқаларни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга.

Виртуал саммит давомида давлат раҳбарлари фармацевтика, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда савдо-сармоявий шериклик муносабатларини янада кучайтиришга алоҳида урғу беришганини таъкидлаш жоиз.

Мен қарийб 25 йилдан буён Ўзбекистон фармацевтика саноатида ишлайман ва мамлакатнинг бу борадаги салоҳиятидан яхши хабардорман.

"Herbion" компанияси Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб тоғли ва чўл ҳудудларидан йиғилган доривор ўсимликлардан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳасини бошлаган.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан яратилган қулай ва илғор сармоявий муҳит бизни Сирдарё вилоятида дори-дармон ишлаб чиқарадиган яна бир янги замонавий "Novugen Pharma" заводини қуришга ундади.

Мамлакат раҳбариятининг самарали кўмаги туфайли компанияларимиз Ўзбекистон фармацевтика соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Мен ҳар доим Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб келаман. Биламанки, мамлакатларимиз бир-бирини тўлдиради ва энг олий даражадаги самимий сиёсий мулоқот Ўзбекистон ва Покистон ишбилармонлари учун ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга туртки беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен биродар Ўзбекистон ва Покистон халқларини икки мамлакат етакчилари ўртасидаги онлайн-саммитнинг муваффақиятли ва жуда самарали ўтказилгани билан қутлайман.

Покистон ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик абадий бўлсин!

**Тазин Ахтар,**
**"Daily Azkaar" газетаси ва "Pakistan in the World" журнали муҳаррири:**

— Онлайн-саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Покистон Бош вазири Имрон Хон икки томонлама кун тартибидаги муҳим масалалар ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон ва Покистон ҳақида гапирганда, авлодларимиз учун ноёб обидалар ва диққатга сазовор жойларни ёдгорлик қилиб қолдирган Бобурийлар сулоласи билан боғлиқ улкан тарихий меросга эгалигимизни тилга оламиз.

Шу боис, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, таълим, илм-фан, техника соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон улкан тарихий, маданий ва илмий меросга эга. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа кўплаб буюк алломалар жаҳон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшгани эътирофга лойиқ.

Онлайн-саммит икки мамлакат минтақавий ҳамкорлиги ва қардош давлатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги истиқболлар эшигини очиб беришига аминмиз.

**Маҳмуд Ансор Бҳатти,**
**"Islamabad Post" газетаси, "Centreline" журнали ва "Diplomatic News Agency" ахборот агентлиги бош муҳаррири, халқаро муносабатлар бўйича эксперт:**

— Азалий дўст мамлакатларимиз раҳбарларининг онлайн-саммити натижалари Покистоннинг кенг доирадаги сиёсий, эксперт ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан жуда илиқ қарши олинди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг бугунги мулоқоти икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор виртуал шаклда ўтказилди. Ўзбекистон Покистонга бундай учрашувни замонавий телекоммуникация воситалари орқали ташкил этишни таклиф қилган биринчи мамлакат бўлди.

Самарали кечган музокаралар кун тартибидан ўзаро ҳурмат, манфаатдорлик ва тенглик тамойилларига асосланган савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, логистика йўналишларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир қатор долзарб масалалар жой олди.

Мамлакатларимиз минтақадаги иқтисодий рақобатчилар эмас, аксинча, саъй-ҳаракатлари Жанубий ва Марказий Осиё халқларининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшадиган лойиҳаларни мустаҳкамловчи асосий ҳамкорлардир.

Покистонда "Аср ташаббуси" деб ном олган "Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" трансафғон темир йўлини қуриш учун Покистон ва Ўзбекистон етакчилари томонидан фаол илгари сурилаётган лойиҳа бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Покистоннинг қардош халқлари дини, тарихи, маданияти, оилавий анъаналари жиҳатидан муштаракдир. Бу, айниқса, зиёрат туризми йўналишида бизнинг мамлакатдан Ўзбекистонга сайёҳлик оқимининг кўпайишида яққол намоён бўлмоқда. "Лаҳор — Тошкент — Лаҳор" йўналишида тўғридан-тўғри авиарейсларнинг қайта тикланиши мазкур соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга самарали ёрдам беради.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Покистон денгиз портлари инфраструктурасидан фойдаланишга кўрсатилаётган қизиқишни юқори баҳолаймиз. Бу Ўзбекистон экспорт географиясини кенгайтиришга, Покистон учун эса логистика "хаб"ини шакллантиришга имкон яратади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодиёт, савдо-ижтимоий сиёсат, гендер тенглиги соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аҳолини, айниқса, ёшларни демократик жараёнларга жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, онлайн-саммит Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва фаол шерикликнинг янги даврига қўйилган самарали қадам бўлади, деб ишонамиз.

**"Дунё" АА**

*Исломобод*

САЙЛОВ — 2021

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ




Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 8 февралда имзоланган "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенг таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга биноан, энди Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Президент сайлови янги Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётган бир шароитда бўлиб ўтади. Бунинг учун сайловга тайёргарлик кўришнинг дастлабки босқичи, яъни сайлов кампанияси эълон қилингунга қадар зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш барча сайлов ташкилотчиларининг муҳим вазифасидир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мажлисда Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури батафсил муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссиясидан маълум қилишларича, дастурдан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илк бор Сайлов кодекси асосида ўтажак Президент сайловига тайёргарлик кўриш борасида босқичма-босқич амалга ошириладиган ишлар батафсил ўз ифодасини топган. Бажариладиган вазифаларнинг ижро муддати ва масъул ижрочилари аниқ кўрсатилган.

Аввало, сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов қонунчилигига оид билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда барча округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун семинарлар, тренинглар, ўқув машғулотлари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар, жумладан, онлайн мулоқотлар ўтказилади.

Асосий тадбирлар дастурида сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш, сайловга тайёргарликни коронавирус пандемияси шароитини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Президент сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти тартибини белгилаб берувчи ҳамда Президентликка кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби, номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибига доир низомлар қабул қилинди.

Тадбирда бу йилги Президент сайлови мамлакатимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотларнинг, халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларининг бардавом бўлишини таъминлаш борасида барча сайлов ташкилотчилари учун муҳим синов бўлиши таъкидланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

МУНОСАБАТ










# ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЗАМИНИГА БЕФАРҚ БЎЛИШГА АСЛО ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ



**Раҳмат МАМАТОВ, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

**Бугунги ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва етук, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган, чинакам ватанпарвар инсонлар бўлиб етишиши, албатта, айни вақтда уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ.**

Куни кеча Президентимиз раҳбарлигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилгани мавзунинг нақадар муҳим эканидан далолатдир.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги турли аҳоли қатламлари билан бир қаторда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётий қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида ҳам қатор вазифаларни бажариб келяпти.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудида “Маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари” ташкил этилган. Уларда малакали мутахассислар ёрдамида ишсиз ёшлар турли касб-ҳунарларга ўқитилади.

Шунингдек, вазирлигимиз томонидан Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларига ўқишга кирмаган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Улар ижроси доирасида 2 минг 178 нафар ишсиз ёш маҳалла гузарларида касб-ҳунарга ўқитилди. Натижада бу йил 45 минг 524 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 8 минг 138 нафар ёшнинг имтиёзли кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бугун ёшларни иш билан таъминлаш биринчи галдаги ҳаётий масала эканини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Чунки жамиятдаги аксар муаммолар ишсизлик, пировардида, даромад манбаи йўқлиги, турмуш кечиришдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Ўй-фикри ва қўли иш билан банд, қилган меҳнатига яраша пул топаётган одамнинг хаёлига бўлмағур гаплар, сафсаталар келмайди. Шу боис, йиғилишда давлатимиз раҳбари “Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз бу — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир”, деб алоҳида таъкидлади.

Вазирлигимиз тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги тарбияси оғир, жиноят қилишга мойил ёки оиласидаги ўзаро турли низолар натижасида руҳий ҳолати ўзгарган ёшларнинг бугунги ҳаётини атрофлича таҳлил қилиб, уларнинг тўғри турмуш тарзига қайтиши ҳамда ижтимоий фаоллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маҳаллаларнинг ёш оилалар ўртасидаги ажралишлар, эрта туғуруқлар, нотинч оилалар фарзандлари ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш тизими ўрганилиб, шу асосда ҳар бир ҳудуднинг муаммоларидан келиб чиқиб, “йўл харита”лари ишлаб чиқилди. Шунчаки муаммони аниқлаш билан иш битмаслиги барчага кундек равшан.

Сўнгги йиллар бизга аниқ кўрсатиб бердики, муаммони шунчаки аниқлаш билан иш битмайди. Шу боис, оилалар билан манзилли ишлаш, турли аҳоли қатламлари ўртасида тарғибот ишларини кенг олиб бориш долзарб масалага айланиб бормоқда. Фуқаролар, айниқса, ёшларнинг оилавий муносабатлардаги кўникма ва билимларини ошириш мақсадида “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш”, “Бахтли оила сари”, “Низоли оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш”, “Оилавий тарбия сабоқлари”, “Оилавий ҳаётнинг шаръий асослари”, “Ота-оналар университети — ота-оналарга асосий кўмакчи” каби услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, барча маҳаллага етказилди.

Ўзбек маҳаллаларида кўпни кўрган отахону онахонларнинг гапига доим қулоқ тутилган. Улар кўча-кўйда юрганида нафақат ёшлар, балки катталар ҳам одоб сақлаб, кийиниши, юриш-туриши, гап-сўзига эътиборли бўлган. Бугун мана шу қадриятларимиздан унумли фойдаланиш пайти келди. Шу мақсадда носоғлом оилавий муҳитни юзага келтираётган, мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчи, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган 45 минг нафар шахснинг ҳар бирига нуронийлар бириктирилди.

Амалий ишлар натижасида кексалар таклифи асосида 6 минг 488 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-она, 3 минг 258 нафар вояга етмаган ўғил-қиз профилактик ҳисобдан чиқарилди, 15 минг 359 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилди.

Кечаги йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда ҳам вазирлигимиз томонидан муайян ишлар бажариляпти. Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббус доирасида 58 минг 615 маротаба спорт мусобақалари ташкил этилди. “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Энг яхши иншо” танловларида бир миллиондан зиёд ёшлар қамраб олинди.

Шу билан бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорлик тизими яратилиб, ҳарбий қисмларда беш мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Кекса авлод вакиллари иштирокида профилактик ҳисобда турган 84 мингдан ортиқ ёшлар билан 14 мингдан зиёд тадбир ўтказилди. Бундан ташқари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда нуронийлар иштирокида “Уч авлод учрашуви”ни ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди.

Бироқ бу ишларимиз денгиздан томчи, холос. Ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш масалаларида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни янада изчил давом эттирамиз. Қўлни-қўлга бериб, оилалар тотувлигини сақлаш, ўғил-қизларимизнинг соғлом муҳитда вояга етиши йўлида бор имкониятларимизни сафарбар этамиз. Чунки глобаллашув таъсирида жаҳоннинг мафкуравий манзараси соат сайин ўзгараётган бир пайтда ёшлар масаласида хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Маҳаллаларимизда ишсиз ёки ўз йўлини топа олмаётган, юриш-туриши, ёмон хулқ-атвори орқали ўзгаларга муаммо келтираётган бир нафар ёш борки, биз зиммамиздаги масъулият юкини енгил ҳисоблай олмаймиз.

# АМУДАРЁ ТУМАНИ:
# ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИЧА ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН



**Мамлакатимиз бўйича 648 минг нафар ишсиз “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлса, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 47050 нафарни, Амударё туманида эса 6753 нафарни ташкил этади.**

Таъкидлаш лозимки, ишсиз, банд бўлмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш борасида Амударё туманини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу борада туман ҳокими Султонбой ЙЎЛДОШЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз куни кеча ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилишида юртимизда ёшлар сиёсатига оид ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил қилиб берди. Шунингдек, вазирлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорларига ёшларга оид ишлар сифатини яхшилаш бўйича тегишли кўрсатмалар берди, вазифалар юклади.

Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлашни самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан туманимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга 317,7 миллион сўм маблағ келиб тушди. Бугунги кунга қадар ушбу маблағнинг 72,6 миллион сўми ёшлар муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш учун сарфланди. Яъни 20 нафар ёшга 19,6 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 9 нафар ёшга 53 миллион сўмлик асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Бундан ташқари, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида туманнинг чекка ҳудудларида жойлашган таълим муассасаларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва 5-6 километр узоқдан мактабларга қатнаётган 50 нафар ўқувчига велосипед совға қилинди.

2019-2020 ўқув йилида Нукус шаҳрида ташкил этилган Президент мактабига туманимиздан 14 нафар ўқувчи қабул қилинган эди. Жорий йилда туманимизнинг ушбу мактаб битирувчилари бўлган 3 нафар ёшига чет давлатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларига ҳамда IELTS халқаро тест синовига ҳужжат топшириш харажатлари (жами 10 миллион 851 минг сўм) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Улардан бири халқаро рейтингда 43-ўринни эгаллаган Chines University of Hong Kong олий ўқув юртига кириб, 76 000 долларлик грант ютиб олди.

2021 йилда туманимизда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ишлар шу асосда олиб боriляпти. Мазкур дастур орқали йил якунига қадар “Ёшлар дафтари”га кирган 6 753 нафар ёшнинг барчаси дафтардан чиқарилади.

Туман сектор раҳбарлари “маҳаллабай” тизим асосида ҳафтасига камида бир марта маҳаллаларга чиқиб, ёшлар билан учрашмоқда. Уларнинг муаммо ва таклифларини эшитиб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф қилиш чораларини кўряпти.

Ёшларни ўйлантираётган, қийнаётган муаммоларни бартараф қилиш, бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида йил давомида доимий ишловчи туман штаби тузилган, унга корхона ва ташкилотлардан масъуллар бириктирилган.

Туманимизда бугунга қадар 1302 нафар ёш ишли бўлди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 326 нафар ишсиз ёш Савдо-саноат палатаси ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган ўқув марказларида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан 85 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 2 миллиард 770 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 143 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, 4 408 нафар ёшга ижара шартномаси асосида 1 299 гектар ер майдони ажратилди. Жами 2690 гектар ерни ёшларимизга ажратиб беришни режалаштирганмиз.

Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, биргина қишлоқ хўжалиги йўналишида бандлиги таъминланган ёшлар 2 690 гектар майдонга экилган экинлардан жами 18 минг тоннадан ортиқ ҳосил олади. 2252 тонна сабзавотдан 7,9 миллиард, 1701 тонна полиз экинларидан 3,4 миллиард, 11 790 тонна картошкадан 47,2 миллиард, 1166 тонна дуккакли экинлардан 9 миллиард ва 1168 тонна мойли экинлардан 12,8 миллиард сўмдан кўпроқ фойда кўрилади.

Демак, ёшларимизнинг ҳар бири ўртача 10-12 миллион сўмдан даромад қилади. Шу билан бирга, ёшларимиз туманимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нарх-наво барқарорлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ерни тайёрлаш, вегетация давридаги барча хизматлар фермер хўжаликлари томонидан бепул кўрсатилишини инобатга олсак, бошқа харажатлардан ташқари ёшларимизнинг ҳар бири бир мавсум давомида камида 9-10 миллион сўм соф фойда кўради.

Туманда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида IT марказ филиали ташкил этилиб, унга 30 нафар ёш жалб қилинган. Бугунги кунда 15 нафар ёш ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, сертификат олди. Яна 15 нафар йигит-қиз ўқишни давом эттирмоқда. Шунингдек, тумандаги 84 та умумтаълим мактабидаги компьютер саводхонлиги тўгаракларида 1562 нафар ёш ўқитилмоқда.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида туманда 2613 нафар дастурчи uzbekcoders.uz порталида рўйхатдан ўтиб, 782 нафари иштирокчи сертификатини, 505 нафари битирувчи сертификатини олган.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 200 га яқин турли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 9 минг нафардан зиёд йигит-қиз жалб қилинди.

Фарзандларимизнинг китобга бўлган қизиқишларини янада орттириш, ахборот-кутубхона марказини янги бадиий адабиётлар билан бойитиш учун 3,4 миллион сўмлик 138 дона янги китоб сотиб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, туманимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг муносиб даромад олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шароит яратиб бериш масаласи доимо барча секторлар раҳбарларининг энг асосий вазифаси бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.



**“Янги Ўзбекистон” мухбири Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ ёзиб олди.**

# КЕЛАЖАККА САРМОЯ:
# ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ



**Абдулла АСЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Янги Ўзбекистон ёшлари — мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун замон талабидан келиб чиқиб, янги-янги ташаббуслар, изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Шу билан бирга, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка йўналтириш, замонавий андозалар асосида таълим олишини таъминлаш билан боғлиқ ишлар қандай ташкил этилаётгани кўриб чиқилди.

Ёшлар — миллатимизнинг эртанги куни давомчилари, келажагимиз бунёдкорларидир. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш бугунги кунда ҳаётий заруратдир.

Шу боис, видеоселекторда ёшларимизга яна кўплаб имконият ва қулайликлар яратиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Маълумки, республика бўйича 120 та IT-марказини “Ёшлар дафтари”га кирган 4 мингга яқин йигит-қиз тамомлаган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида сертификат олган шундай ёшларга компьютерлар хариди учун “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк” ва “Халқ банки” кредитлар ажратади, уларнинг фоиз харажатлари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади. Яъни кредит фоизсиз берилади.

Шунингдек, жорий йил 1 июндан бошлаб “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан тўлаб берилади.“Ёшлар дафтари”га кирганларга қизиқишидан келиб чиқиб, хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатининг бир қисми қопланади.

Ёшларга берилаётган бу каби имкониятлар уларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим омил бўлади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат. Йиғилишда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу тизимда халққа ҳам, ташкилотларга ҳам маъқул бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланди. Яъни жорий йил 1 июндан бошлаб, “Ёшлар дафтари”га кирган талабалар корхона ва компанияларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилади. Шунингдек, биринчи марта ишга кирган касб-ҳунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Бундан ташқари, “Ёшлар дафтари”га кирган 5 нафардан ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга 1 майдан бошлаб давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз берилади. Ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизигача қисми қоплаб берилади. Ходимлари сонининг камида 70 фоизи “Ёшлар дафтари”га кирган ёш тадбиркорларга давлат мулки аукционсиз берилади ва улардан 5 йил давомида ижара ҳақи ундирилмайди.

Шунингдек, ҳар бир маҳалла ва хонадонни сифатли тиббий хизматлар билан қамраб олиш учун малакали ўрта бўғин тиббиёт ходимларини кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг давоми сифатида жорий йилда қўшимча 20 минггача ўрта тиббиёт ва ижтимоий ходимлар штатини ташкил этиш ҳисобига минглаб ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш белгиланди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш ва ректорларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш тўғрисида давлатимиз раҳбари томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилди. Маҳаллабай, хонадонбай ишлаш лозимлиги, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Албатта, юқорида белгилаб берилган ташаббусларни жойларда, энг чекка ҳудудларда тўлақонли ижро этилишида фаол иштирок этиб, парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, ёшлар камолотига эътибор — келажакка эътибор, деганидир.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ДУНЁ БОЗОРЛАРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН ЎЗБЕК ИШБИЛАРМОНЛАРИ

**Денгиз ва океан йўллари ҳали очилмаган қадим даврларда антик Римдан то Япониянинг эски пойтахти Нара шаҳригача чўзилган муҳташам Буюк ипак йўли Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб, савдо алоқаларига кенг йўл очди. Азим дарахтнинг шохлари каби ҳар тарафга ёйилиб кетган бу улкан йўлнинг асосий йўналишларидан бири юртимиз ҳудудлари орқали ўтиб, қитъаларни туташтирувчи кўприк вазифасини ўтади. Бугун ҳам Ўзбекистон ана шу қадимий анъаналар тикланаётган йўлнинг марказида жойлашгани юртимизга чет эллик инвесторларнинг қизиқишини ошириб, мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланишига замин яратмоқда.**

Хориж давлатлари билан савдо алоқалари иқтисодиёт ривожида ҳамиша муҳим ўрин тутади. Бу анъана энг қадимги даврлардаёқ кишиларнинг ўзаро товар айирбошлаши тарзида намоён бўлган. Шу жиҳатдан, сўнгги йилларда мамлакатимизда жаҳон бозорига чиқиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган кенг миқёсдаги саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бирламчи вазифага айланиб, уларни тизимли бажариш учун бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 10 февралида Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, янги ташкил этилган Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси ҳам ўз олдига мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, чет давлатлардаги йирик корпорация ва савдо тармоқлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни қўйган.

## ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН ТАШАББУС

Бундан 1,5 йил олдин Ўзбекистонда илк бор Экспортчилар уюшмаси нодавлат ташкилоти иш бошлаган эди. Тузилма қисқа вақтда тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, кичик ва ўрта бизнес соҳасига энди қадам қўйган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашишда яхшигина тажриба орттирди. Дунёнинг 20 та давлатида ўзининг савдо ваколатхоналари, Америка, Туркия, Афғонистонда савдо уйларини очишга муваффақ бўлди. Уюшма тажрибаси асосида тузилган Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси ўзида 12 та ана шундай маҳаллий илғор ассоциация ва миллий марказларни бирлаштириб, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучи бўлган тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги фаолиятини бошлади.

Аслида, бундай тажриба дунё амалиётида кенг оммалашган. Яъни бир қанча йирик ташкилотларни бирлаштирувчи корпорация ташкил этиб, уларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш янгилик эмас. Масалан, Германиянинг Саноат федерал иттифоқи ўзида 100 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакилларини бирлаштирса, Япониянинг “Кейданрэн” тузилмаси 1 329 та компанияни, 109 та саноат уюшмаси, 47 та иқтисодий ташкилотни ўз таркибига қамраб олган. Бунда бизнес соҳаси вакилларининг муаммолари, таклиф ва ташаббуслари давлат идоралари ёрдамида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси зиммасига олган асосий вазифалардан бири худди Япония ва бошқа давлатлардаги каби фуқаролик жамияти, давлат ҳамда бизнес секторини бирлаштирган ҳолда, улар ўртасида якдил мулоқот платформасини яратиш, бунда ишончли воситачига айланиш, ҳар учала тармоқнинг умуммамлакат манфаатлари йўлида ҳаракатланишини таъминлашдан иборат. Шунингдек, ташкилот давлатимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлар, қонунчилик ва давлат дастурларида нодавлат бизнес сектори вакилларининг иштирокини таъминлаш, уларнинг маҳаллий ва халқаро ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлар фаолиятидаги масалаларни юқори давлат ташкилотларига етказишда кўмаклашади. Шу мақсадда ассамблея қисқа давр ичида вазирликлар, турли давлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиб, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ечишда улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Тадбиркорликка оид қонун, қарорларни ишлаб чиқишда ишбилармон доира вакилларининг бевосита иштирокини таъминлаяпти. Зеро, юқоридаги уч тизим бирлашса, иқтисодиёт соҳаси кучли “драйвер”га айланади.

## БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Иқтисодиёт ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига биринчи галда “ҳисоб-китоблар” келади. Тўғри, иқтисодни ҳисоб-китобсиз тасаввур қилиш қийин. Аммо унинг таг-замирида бошқа асосий мақсад — жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун яхши турмуш шароитини яратиш ётади. Шу асосида иқтисодиёт ривожини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, одамларни иш билан банд қилиш сингари иккиламчи мақсадлар келиб чиқади. Улар жараёнда айирбошлаш, тақсимот, истеъмол соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тарзида фаоллашади.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосида ҳам, аввало, тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш, эркин бозор иқтисодиётини йўлга қўйиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мужассам. Ана шу мақсадда ишбилармонларга кенг имконият, имтиёзлар бериляпти. Монополияга қарши қатъий курашиш натижасида соҳага энди кириб келаётган тадбиркорларда ўзига ишонч, дадиллик ортганига гувоҳ бўляпмиз. Фаолиятини тадбиркорларнинг аъзолик бадаллари ҳисобига ривожлантирадиган Иқтисодиёт ассамблеяси ҳам ишбилармонларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боради.

— Биз энг бошидан олдимизга, аввало, тадбиркорларнинг ишончини оқлаш, қолаверса, уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди ассамблея раиси Мухтор Умаров. — Бугунги кунда юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган кўплаб уюшма, ташкилотлар бор. Ана шуларни бирлаштириб, биргаликда, якдил ҳаракат қилишни кўзлаганмиз. Пандемия шароитида, глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган бир пайтда биз тадбиркорлар янада жипслашиб ҳаракат қилишимиз керак. Ҳамон эсимизда, бундан 4-5 йил олдин мамлакатимизга хориждан айрим товарларни олиб кириш учун 116 фоизлик божлар тўлаш керак бўлган. Бу эса манаман, деган тадбиркорларга ҳам оғирлик қиларди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда бундай бож тўловлари йўқ. Юртимизда сўнгги йилларда яратилаётган кенг имкониятлар натижасида Ўзбекистон учун янги бозорлар очила бошлади. Бугунги кунда, ҳеч муболағасиз, 7,5 миллиард аҳолиси бўлган йирик жаҳон бозорига кириб боряпмиз. Бу тадбиркорлик субъектлари учун катта имконият. Бироқ бу бозорда ўрин эгаллаш осон эмас. Унда фақат кучлилар, ақллиларгина ҳаракатлана олади.

Яна бир жиҳати, биз узоқ йиллар давомида ёпиқ иқтисодиёт амалиётида ҳаракатландик. Юқори божлар, солиқ ставкалари туфайли фақат ички бозорни ривожлантириш йўлидан бордик. Натижада иқтисодиёт улушида монополияга айланган маълум гуруҳ тадбиркорларнинг улуши ортди. Бироқ энди вазият мутлақо ўзгарди. Жаҳон бозорига очиқ ҳолда интеграциялашиш, улар билан рақобатлашиш учун шароит яратилди. Бу борада давлат раҳбарининг қатъий сиёсати туфайли бугун бозор барча учун бирдек очиқ майдонга айланди. Айрим гуруҳ ташкилотларигагина бериладиган алоҳида имтиёзлар қолмади. Энди бозорда соғлом рақобат вужудга келяпти. Унда фақат кучли, ўз устида ишлайдиган тадбиркорларгина қолади.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Жаҳон бозорига чиқиш осон иш эмас. Ахир, ҳолва деган билан, оғиз чучимайди. Бироқ юртимизда охирги йилларда дунё стандартларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, хориж давлатларига етказиш борасида яхшигина тажриба вужудга келди. Бунинг ҳисобига экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Гарчи 2020 йилда пандемия сабаб экспорт ҳажми 13 фоизга пасайган бўлса-да, Жаҳон банки статистикасига кўра, жорий йилда Ўзбекистонда экспорт салоҳияти 5 фоиздан 7 фоизгача ўсиши кутилмоқда. Президентимиз томонидан эса, экспорт ҳажмини 20 фоизга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси бу борада режалар тузиб, шу асосда ҳаракатларни фаоллаштиришга интиляпти. Бу борада, айниқса, бизнес йўлаклари, хорижий мамлакатларда савдо уйларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар орқали тадбиркорлар ўз маҳсулотларини ҳамкор давлатлар шоурумларида қўйиб боради. Ўша ернинг ўзида ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, бизнес келишувлар амалга оширилади.

— Экспорт ҳажмини ошириш учун биз савдо уйларини очиш, савдо коридорларини шакллантиришимиз муҳим, — дейди Мухтор Умаров. — Биламизки, Ўзбекистон географик жойлашув жиҳатидан Ўрта Осиёнинг марказидаги давлатлардан бири. Демак, бизда бошқа мамлакатлар учун “Хаб” вазифасини бажариш имконияти катта. Шу боис, савдо уйларини очиш бўйича кўплаб давлатлардан таклифлар тушяпти. Хусусан, Германиянинг “Luno Group” компанияси билан имзоланган меморандум асосида Гамбург портида Ўзбекистон маҳсулотлари учун, юртимизда эса, улар учун савдо бизнес уйларини очишга келишяпмиз. Иккинчи йўналиш Россия Федерациясига, учинчиси, Туркия давлатига йўналтирилади. Ҳозирда туркиялик ҳамкорлар билан Истанбул шаҳрида Ўзбекистон бизнес уйини очиш бўйича келишувлар олиб борилияпти. Бу шаҳар бизга нафақат Туркия, балки Африка бозорларига ҳам йўл очади. Ушбу давлатларга катта оқимда юклар ҳаракатланиши натижасида логистика харажатларини бир неча фоизга пасайтиришга эришамиз. Бу борада ҳозирда бироз оқсаётган нуқтамиз — рақамли иқтисодиётни йўлга қўйишни ҳам мақсад қилганмиз.

Ана шундай ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан яқин ва узоқ хорижий давлатларда юртимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа саноат маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Ҳатто, Америка бозорида Ўзбекистоннинг қурт маҳсулотлари ҳам анчайин оммалашиб улгурди. Тадбиркорларимиз океанорти давлати халқларига аввал таниш бўлмаган бу маҳсулот тезда уларнинг таъбига ўтирганини мамнуният билан таъкидламоқда. 1992 йилдан буён ички бозорда ўз ўрнини эгаллаб келаётган “Эрмак” бренди остидаги қурт маҳсулотлари АҚШ савдо дўконларида ҳам анча харидоргир.

— АҚШ да осиёликлар кўп бўлгани боис, ушбу давлатга 4-5 йилдан буён катта миқдорда қурт маҳсулотларини экспорт қиляпмиз, — дейди “Вали Саркор” МЧЖ иш юритувчиси Зафаржон Солиҳов. — Ҳамкорларимиз ҳар 2-3 ойда 1,5 тонна атрофида қурт ва писта маҳсулотларини харид қилади. Улар қадоқланган ҳолда экспорт қилингани боис ҳам талаб юқори. Бундан ташқари, маҳсулотлар табиий хомашёдан тайёрланиб, ортиқча қўшимчалар билан бойтилмайди. Шу жиҳатлари билан жаҳон бозорида ўз харидорларини топмоқда.

Корхонада тайёрланадиган маҳсулот хомашёсининг асосий қисми юртимиздан олинади. Сут Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан келтирилса, писта Тошкент вилояти туманларида териб олинади. Корхонада бир кунда 40-50 тонна сут қайта ишланиб, ундан 2 тоннага яқин қурт тайёрланади. Сифат ва нарх асосий мезон бўлган корхонада 300 га яқин киши иш билан таъминланган.

## ХИТОЙ БОЗОРИГА ҚАНЧА ВАҚТДА ЧИҚИШ МУМКИН?

Жаҳон бозорига чиқиш тажрибасига эга ана шундай йирик корхоналар юртимизда оз эмас. Аммо ишни энди бошлаган кичик ва ўрта бизнес вакилларига бу борада ёрдам керак бўлади. Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси ана шу вазифаларни ўз зиммасига олгани ҳолда, тадбиркорларга халқаро шартномалар тузиш, улар учун хорижда савдо муҳитини яратиш, фаолиятларини тўғри йўналтиришда амалий ва назарий кўмак беради. Энг муҳими, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг савдо ҳуқуқи, шартномалар тузиш шартлари, молиявий муносабатларга киришишда ҳуқуқий савиясини оширишга ёрдамлашади.

Шунингдек, Ассамблея ўз дастурига кўра, хорижий иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, халқаро кўргазма ва бизнес форумлар ташкил этиш бўйича ҳам фаолият олиб боради. Миллий брендлар яратиш, маркетинг, менежмент ва бизнес доира вакиллари учун касб байрамларини ташкиллаштириш устида ишлайди. Айни пайтда Ассамблея қошида халқаро арбитраж суди, медиамарказ, тадбиркорликка тайёрлаш ва малака ошириш бўйича бизнес академия, хорижий бозорларга чиқишга мўлжалланган электрон платформа ҳамда IT бўлимлари ишбилармон доира вакилларига хизмат кўрсатмоқда. Хориж давлатларига ташкил этилаётган сафарлар орқали эса тадбиркорларга жаҳон тажрибасини ўргатиш, юртимизга чет эллик инвесторларни жалб қилиш кўзда тутилган.

— Таҳлилларга кўра, жаҳонда кўпгина ташкилотлар Хитой бозорига 1,5-2 ойда кириб боради, — дейди Мухтор Умаров. — Бордию улар ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда амалга оширса, катта бозорга атиги 3 кунда кириб бориши мумкин. Мана шу жозибадорликни амалиётда синаб кўрдик. Турк компанияларидан бири бизда қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Очилганига уч ой бўлмасдан, ўз маҳсулотларини жуда катта ҳажмда Хитой бозорига экспорт қилишни бошлади. Мебель ишлаб чиқарувчи яна бир хориж компанияси ҳам юртимизда ўз филиалини очди. Гап шундаки, нафақат Хитой бозори, балки собиқ иттифоқ давлатларига кирмоқчи бўлган тадбиркорлар учун Ўзбекистон қулай мамлакат ҳисобланади. Бу биз учун ҳам яхши имконият бўлиб, юртимиз иқтисодиёти ва экспортини жадал ривожлантириб, янги иш ўринлари яратишга йўл очади.




“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# Латвия университетининг Фарғона филиали вилоятда “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 10 нафар фарзандига бепул таълим олиш имкониятини тақдим этади

**Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчиси Қадамбай Султонов Ахборот тизимларини бошқариш олий мактаби (Informbcijas sistsmu menedюmenta augstskola — ISMA) президенти Роман Дьякон билан учрашув ўтказди.**

Музокараларда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида белгиланган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга оид вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Роман Дьякон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ижобий баҳолаб, таълим соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг юқори салоҳиятини қайд этди. Таълимга йўналтирилган сармоялар бир неча баравар кўп марта ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг жорий йилги устувор тараққиёт йўналишларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади. У, шунингдек, ISMA нинг Фарғона филиалида вилоятда “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 10 нафар фарзандига бепул таълим олиши учун квота ажратишга тайёрлигини билдирди.

ISMA International School

ISMA 1994 йилда Рига авиация университети негизида ташкил этилган. У Швейцариянинг IB (International Baccalaureate) тизими бўйича аккредитациядан ўтган. Таълим муассасасида ахборот технологиялари ва иқтисодиёт, кўчмас мулкни бошқариш, туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, бошқа мутахассисликлар бўйича бакалаврлар, магистрлар ва докторантлар ўқитилади.

Мазкур таълим муассасаси Латвиянинг хорижда филиал очган биринчи университети ҳисобланади.

**“Дунё” АА**

*Рига*

ЖАРАЁН

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ АСОСИ

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Одатда “оилавий корхона” ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, кичикроқ бирор ишлаб чиқариш шохобчаси кўз ўнгимизга келади. Оилавий экан, бир оила аъзолари ишлашади-да, деб ўйлаймиз.**

Аслида эса...

Икки йил олдин Урганч туманида рўйхатдан ўтган “Лобар сервис Ҳилол” оилавий корхонаси йирик паррандачилик мажмуасига айланган. Бир миллиард 700 миллион сўм миқдоридаги банк кредити эвазига иш бошлаган корхонада 15 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Тухум ва товуқ гўшти етиштираётган оилавий корхона келгусида ишлаб чиқариш жараёнини янада кенгайтириш ҳаракатида.

Янгиариқ туманининг чекка қишлоғида бир йил олдин фаолият бошлаган “Қўриқтом кўзгуси” оилавий корхонаси нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. 400 миллион сўмлик банк кредити эвазига иш бошлаган корхонада 6 нафар ишчи меҳнат қилади. Бу ерда нафақат қишлоқ хонадонларига, балки бутун туманга мазали нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилган.

“Хива барака мебель” оилавий корхонаси ўз номидан келиб чиқиб, янги уйга кўчиб чиқаётган элдошларини замонавий ва бежирим мебеллар билан таъминламоқда. Корхона буюртма асосида ишлайди. 380 миллион сўм кредит олган оилавий тадбиркор ўз оила аъзоларидан ташқари яна дурадгорликка ҳавасманд ёшларга ҳам ҳунар ўргатиб, уларнинг шу соҳада ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмакдош бўляпти.

Умуман олганда, вилоятда оилавий корхоналар сони айни пайтга келиб 3 800 тадан ошиб кетди. Бу корхоналарда юз турдан зиёд истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳам оилавий корхоналарнинг сезиларли улуши бор. Балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик каби соҳалар бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар чакки эмас.

Вилоятда фаолият юритаётган оилавий корхоналарнинг аксари шаҳарларда жойлашгани, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга шу ҳудудда талаб кўплиги билан изоҳланади. Масалан, Урганч шаҳрида 576 та, Хива шаҳрида эса 442 та оилавий корхона бор. Туманлар кесимида олганда Урганч, Хонқа ва Қўшкўпир туманларида тадбиркорликнинг бу тури ривож топганига гувоҳ бўламиз. Ушбу туманларнинг ҳар бирида тўрт юзга яқин ва ундан зиёдроқ оилавий корхоналар фаолият юритяпти.



Янгибозор, Гурлан ва Шовот туманларида оилавий корхоналар сони бошқа ҳудудлар билан таққослаганда нисбатан кам. Буни аҳоли нуфусига ҳам боғлаш мумкин. Аммо аҳоли сони бўйича вилоятда энг олдинги ўринда турадиган Ҳазорасп туманида атиги 82 та оилавий корхона ташкил қилинган. Бунинг сабабини ҳудуддаги энг йирик бозор шу туманда жойлашгани ва “Ҳазорасп” эркин-иқтисодий зонасида кўплаб йирик корхоналар иш бошлаётгани, аҳоли орасида иш билан бандлик кўрсаткичи анча юқори эканлигидан излаш керакдир, балки.

Президентимизнинг аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларга ўз бизнесларини бошлаши учун керакли шароитларни яратиб бериш борасида фармон ва қарорлари, бу борада қабул қилинган давлат дастурлари ижроси ўлароқ воҳада оилавий корхоналарга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани қувонарли.



# САМАРҚАНД: тамаддун бешиги, дунё сайқали

ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

## Ёшлар – улкан режалар, илғор ғоялар ташаббускори

**Гулсум ШОДИЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунда, албатта, ёшларни иш ўринлари билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларнинг салмоғи юқори бўляпти.**



Самарқанд вилояти аҳолисининг катта қисмини, тўғрироғи, салкам 712 минг нафарини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Жорий йилда вилоятда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

— Вилоят, шаҳар, туман ёшлар дастурлари 8 та йўналишда бўлиб, бунинг учун 1 триллион 526 миллиард 854 миллион сўм маблағ йўналтирилиши белгилаб олинди, — дейди ёшлар ишлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Ҳусан Тўхтаев. — Вилоятдаги барча ёшларнинг 92 фоизи хатловдан ўтказилди. Натижада 61 670 нафар ёш даромад манбаига эга эмаслиги аниқланди. Уларнинг 29 709 нафари тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш орқали банд этилади. 24773 нафари доимий иш ўрни билан таъминланиб, 7188 нафари ўзини ўзи банд қилади. Мисол учун, Тайлоқ туманидаги 2-умумтаълим мактабида ёшлар 6 та йўналиш бўйича касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Самарқанд туманида ҳунарманд Содиқжон Жўраев 4 нафар ёшни шогирдликка олди. Оқдарё туманидаги “Дўстбек Оқдарё” хусусий корхонаси раҳбари З.Дўстбеков 50 нафар ёшни саноат йўналиши бўйича ўқитиб, доимий ишга қабул қилиш истагини билдирди. Ёшларни қишлоқ хўжалиги йўналишида иш билан таъминлаш мақсадида вилоят бўйича 19 минг гектар ер ажратиш белгиланган. Масалан, Булунғур туманидаги “Хўжа Мазгил” маҳалласида истиқомат қилувчи 50 нафар ёш “Шунқорбек Синдаров” кооперативига бириктирилди. Улар 30 гектар майдонда узумзор ташкил этиш ишларини бошлаб юборган. Ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларини амалга ошириш, уларнинг стартап ғоялари ва лойиҳаларини шакллантириш, шунингдек, молиялаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ўртасида қўшма қарор имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан ҳар чоракда 1 миллиард, бир йилда эса 4 миллиард сўм маблағ ушбу лойиҳалар учун йўналтирилади. Айни пайтда бошқармамизга 161 та стартап лойиҳа келиб тушган ва уларни саралаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, вилоятимиздаги барча бошқарма, ташкилот, муассасалар ўртасида ёшлар сиёсати соҳасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Жорий йилнинг 20 февраль куни вилоятнинг сектор раҳбарлари ёшлар муаммолари ва масалалари юзасидан маҳаллабай амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Унда ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари эшитилди, муаммолари ечилди. Учрашув вилоятдаги барча туманлар ва шаҳарларда ташкил этилган студиялар орқали бевосита кузатиб борилди.

Жорий йилда Оқдарё туманида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

— Туманимизда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшлар 1551 нафар бўлиб, улар қуйидаги йўналишлар бўйича ишга қамраб олинади, — дейди ёшлар ишлари агентлиги Оқдарё туман бўлими бошлиғи Маъруфхон Мусаев. — Аввало, 290 нафар ёш мутахассислиги бўйича тумандаги ташкилот ва корхоналарга тўғридан-тўғри ишга қабул қилинади. Ҳозирги кунда 139 нафар ёш бўш иш ўринларига ва 70 нафари жамоат ишларига жалб қилинди. “1+1” тамойили асосида ўрганиш олиб борилганда, 83 нафар кўнгилли тадбиркорга 192 нафар ёш бириктирилди. Бундан ташқари, кўплаб йигит-қизлар тадбиркорликка ўқитилиб, уларга сертификатлар, имтиёзли кредитлар берилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 147 нафар ёшга 2 миллиард 771 миллион сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда 45 нафар ёш тумандаги касб-ҳунар ва мактабларда ташкил этилган марказларда таҳсил олмоқда. Хусусан, Ҳунармандлар уюшмаси томонидан 40 нафар ёш малакали ҳунармандларга бириктирилди ва ички шартнома асосида ўз фаолиятларини олиб боряпти. Туманимиздаги оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш учун туман маҳаллий бюджетидан 841 миллион сўм ажратиш режалаштирилган. Келгусида ёшларни тадбиркорлик фаолияти ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилади ва бунинг учун 4,5 гектар ер майдони ажратилди.

Жорий йилнинг 27 январь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларга деҳқончилик учун ажратиш топшириғи берилган эди. Ҳозир ушбу топшириқ ижроси бўйича тумандаги 540 нафар ёшга 140 гектар ер ажратилди. Шунингдек, 46 нафарига деҳқончилик қилиш учун субсидия ва имтиёзли кредит асосида мотокультиваторлар олиб берилди.

Дилшод Шералиев 28 ёшда. У шу вақтга қадар ишсиз эди. Ўтказилган хатлов жараёнида унинг доимий даромад манбаига эга эмаслиги ҳисобга олиниб, тумандаги мева-сабзавотчилик агрокластери томонидан 25 сотих ер ажратилди.

— Менга ажратилган ерга помидор экиб, даромад олмоқчиман, — дейди Дилшод. — Шу кунларда кластер ёрдамида ер ҳайдаш, уруғ экиш каби ишларни бажаряпмиз. Биз бу имконият ва фурсатни бой бермасдан фақат меҳнат қилишимиз, даромад топишимиз керак.

— Тумандаги “Дўстбек Оқдарё” ХК мева сабзавотчилик кластери таркибида 410 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, ушбу майдоннинг 40 гектарини 160 нафар ишсиз ёшга 25 сотихдан бўлиб беряпмиз, — дейди кластер раҳбари Зиёдулла Дўстбеков. — Аҳамиятли томони шундаки, ёшлар учун ажратиб берилган ерлар агрокластерлар томонидан экин экишга тайёр ҳолга келтирилиб, тақсимланмоқда. Шунингдек, уларга бу борада кўмак берадиган мутахассисларимиз бор, техникаларимиз ҳам етарли. Мутахассисларимиз ёшларга деҳқончилик борасида зарур маслаҳатларни бериб боряпти. Экин майдонларига экиладиган уруғларни эса Нидерландиядан олиб келганмиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугун вилоят ёшлари улкан режалар, эзгу ниятлар, илғор ташаббуслар билан яшамоқда. Уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи талаб қиляпти.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

## Қадимий шаҳардаги табаррук манзиллар

### бунёдкорликлар туфайли янада обод ва дилтортар қиёфа касб этяпти



**Тоҳир ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг мақбаралари, табаррук қадамжоларни обод қилиш орқали сайёҳликни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқими охирги уч йил мобайнида мусулмон ўлкалардан келадиганлар ҳисобига сезиларли даражада ошди. Бу ўринда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги улуғ қадамжолар аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Самарқанд зиёрат туризми соҳасида улкан салоҳиятга эга. Қадимда ҳам бу ҳудуд турли ўлкалардан келган сайёҳларни ўзига ром этган. VII аср бошларида Марказий Осиёда бўлган хитойлик элчи Вей Цзе Самарқанднинг барча аҳолиси моҳир савдогар, бола беш ёшга кириши биланоқ унга савод ўргата бошлайдилар, ўқишни билиб олганидан сўнг уни савдо ишларини ўрганишга жалб қилишлари ҳақида ёзган.

Самарқанд қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳар сифатида дунёга танилган. У ўрта асрларда ҳам илм-фан, маданият, савдо ва ҳунармандчилик ривожланган маскан бўлган. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута “Саёҳатнома” асарида “Дунёда Самарқанд каби ҳавоси мусаффо, осмони мовий, замини кўм-кўк, суви зилол, аҳолиси гўзал хулқли ва хориждан келган инсонларга муҳаббат ва дўстона муносабат қиладиган жаннатмонанд шаҳарни кўрмадим”, дея таъриф этган.

Ҳозир ҳам Самарқанд дунё аҳлини кенг туристик имкониятлари билан ўзига ром этиб келмоқда. Ҳар йили шаҳарга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан минглаб сайёҳ келади. Вилоятда ҳозирги кунда 1851 та моддий-маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улар орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган жойлар жуда кўп.

Самарқандда кўплаб мадраса, масжид, ислом билимлари ва фаннинг турли соҳаларига ҳисса қўшган буюк алломалар абадий қўним топган мақбаралар мавжуд. Шоҳи Зинда, Руҳобод, Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Мотуридий, Махдуми Аъзам Даҳбедий, Хожа Аҳрор валий, Шайх Худойдод валий ва бошқа кўплаб зиёратгоҳлар шулар жумласидан.

Ислом дини ҳамда мусулмон уммати эътиқодини мустаҳкамлашда буюк ишлари билан ном қозонган алломалар манзилларини ўрганиш, уларни ободонлаштириш ишлари узлуксиз олиб борилиб, зиёрат қилинадиган масканларга айлантирилмоқда. Бундай жойлар нафақат юртимиз аҳли, балки ислом олами учун ҳам табаррук ҳисобланади. Мазкур омиллар сўнгги йиллар давомида юртимизда зиёрат туризмини ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Натижада бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Жумладан, Шоҳи Зинда зиёратгоҳидаги Қусам ибн Аббос қабри маҳаллий ва хорижий сайёҳлар зиёрат қиладиган манзилларидан бири ҳисобланади. Бу зот мақбараси қадимда ҳам халқаро даражадаги зиёратгоҳ бўлган. Ибн Баттута Самарқандга саёҳатида Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат қилиб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Самарқанд ташқарисида Қусам ибн Аббос ибн Абдумутталибнинг қабри бор. Самарқанд аҳолиси душанба ва жума кунлари шу қабрни зиёрат қилиш ниятида бу ерга келади. Тоторлар (туркий халқлар) ҳам қабрни зиёрат этиш учун келадилар ва улуғ назрлар қиладилар (кўплаб пул садақа қиладилар), дирҳам (кумуш пул) ва динор (олтин пул) эҳсон этадилар. Буларнинг ҳаммаси зиёратчиларни таъминлаш ҳамда зовия (хонақоҳ) ва мақбарада хизмат қилувчиларнинг таъминотига сарфланади”.

Шоҳи Зинда мажмуасида сайёҳларни ўзига тортадиган яна бир асосий жиҳат меъморий обидалардаги араб ва форс хатида ёзилган битиклардир. Мажмуанинг деярли барча иншоотида Қуръон оятлари, ҳадиси шарифлар ва ҳикматли сўзлар битилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида бундай дейди: “Ер юзида Самарқанддек гўзал ва ёқимли шаҳар камдир. Ҳеч бир душман қаҳр ва ғалаба билан унга йўл топмагани учун уни “Балдаи маҳфуза” (қўриқланган, муҳофазага олинган шаҳар) дейдилар. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ерга боргандир. Ҳозирда мозори (Шоҳи Зинда) машҳурдир”.

Самарқандда зиёрат туризмини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад келадиган сайёҳлар сони ва вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг ислом дунёсидаги зиёрат туризми марказларидан бири сифатида халқаро миқёсда эътироф этилишига эришишдан иборат. Зиёрат туризми, яъни муқаддас жойларни зиёрат қилиш икки асосий йўналишни ўз ичига олиб, булар экскурсиявий-маърифий ва диний кўринишдан иборат.

Имом Бухорий зиёратгоҳи ислом оламининг Самарқанддаги табаррук маскани бўлиб, ҳар йили бу ерга нафақат юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб мусулмон келади. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда марказ қуриб битказилиб, унда Имом Бухорий ҳаёти ва илмий сафарларини акс эттирган музей ишга тушди. Марказ ёнида ёшларга ислом билимлари, хусусан, ҳадис илмини чуқур ўргатадиган Ҳадис илми мактаби ҳам таъсис этилди. Айни кунларда мазкур илм даргоҳларида илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда.

Самарқандга келган нуфузли меҳмонлар ва давлат арбоблари Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бирга, бу табаррук масканларда олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишмоқда. Давлатимиз раҳбари шу йил 11 февраль куни Самарқанднинг туризм салоҳиятини, шу жумладан, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича лойиҳалар билан танишган эди. Лойиҳага кўра, Имом Бухорий мажмуасидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари жараёнида бобомиз мақбараси ҳозирги кўриниши сақланган ҳолда реконструкция қилинади. Шу пайтгача мақбара остидаги қабрни зиёрат қилиш учун етарли шароит мавжуд эмас эди. Янги лойиҳада қабр атрофи кенгайтирилиб, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, саккиз минг ўринли масжид қурилади. Мажмуа атрофида тўртта улкан минора қад ростлайди. Ҳозирги айвонларга қўшимча равишда ички ва ташқи айвонлар барпо этилади. Маҳаллий ва хорижлик зиёратчиларга қулайлик яратиш учун замонавий меҳмонхоналар, халқаро андозаларга тўла мос келадиган маиший хизмат ва санитария-гигиена шохобчалари қурилади. Қайд этилишича, мажмуада қурилиш ишлари жараёнида бу ердаги тарихий булоқ ва бир неча юз йиллик чинор дарахтларига зиён етказилмайди. Уларни асраб-авайлаш, ўз ҳолида сақлаш учун барча зарур чоралар кўрилади.

Имом Бухорий ҳазратлари вафот этган 870 йилда азим Самарқанднинг Мотурид деган маҳалласида илоҳиёт илмининг бўлғуси ёрқин юлдузларидан бири, калом илми асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий дунёга келади.

У киши ўз илмий ижоди билан юксак мартабага эришди. Табаррук номига хилма-хил шарафли унвонлар қўшиб зикр қилинган. Имом Мотуридий қадамжоси ҳам бугунги кунда сайёҳлар зиёратгоҳига айланган. Айниқса, мақбарадаги тарих зарварақларидан сўзловчи қайроқтошлардаги битиклар калом илми тадқиқотчиларининг эътиборини тортади.

Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини ошириш мақсадида Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Форум доирасида Ўзбекистоннинг зиёрат туризми марказларидан бири сифатида тан олинишига доир Бухоро декларацияси имзоланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Самарқандда зиёрат туризмида истиқболга эришиш учун хизмат кўрсатиш маданиятини кескин кўтариш, зиёратчиларга қулай шароитлар яратиш, уларнинг Ўзбекистон ҳақида яхши таассуротлар билан кетиши учун барча имкониятларни ишга солиш, зиёратчиларни яна қайта-қайта келишга рағбатлантириш лозим.

Энг аввало, вилоятимиздаги қадамжоларнинг туристик харитасини тузиш, масжидлар ва таҳоратхоналарни замон талаблари даражасида реконструкция қилиш, турли тилларда буклет ва тарқатмалар тайёрлаш, тарғибот ишларини яхши йўлга қўйиш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, турли мобиль иловалар яратиш зарур. Шунингдек, “Ҳалол” халқаро стандартларига мувофиқ овқатланиш жойларини ташкил этиш, сайёҳлар учун зиёратгоҳларда интернет тармоғини таъминлаш ва гид-таржимонларни тайёрлаш масаласига эътиборни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

ТИББИЁТ

## Ислоҳотларнинг ёрқин ифодаси

**Манзура АСРОРОВА,**
**Каттақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**

**Ҳар куни иш юзасидан турли ёшдаги, турли соҳа эгалари билан суҳбатлашишга тўғри келади. Уларнинг аксари шифохоналаримизда даволанаётган ёки шифо истаб келаётган аҳоли вакиллари. Яқинда шундай суҳбат чоғида сурункали хасталиги бўлган бир отахон сўраб қолди.**

— Марказий шифохонада кемпинг ташкил этилибди, деб эшитдим. Унда ҳамма шарт-шароитлар яратилган, дейишяпти. Бизлар сингари қариялар ҳам ўша жойда муолажа олсак бўлармикан?

— Албатта, — дедим отахоннинг саволига жавобан. — Бу сиз айтганингиздай, маҳаллий шароитимизда “кемпинг” деб аталяпти. Аслида у янгидан ташкил этилган реабилитация бўлими. Унда сиз нафақат муолажа оласиз, балки физиотерапия ва бошқа тиббий хизматлардан ҳам фойдаланасиз.

Отахон дуо қилди:

— Илоҳо, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Ўсиш, ўзгариш, ривожланишларимиз янаям тезлашсин. Бундай улуғ ишларнинг бошида турган Президентимиз ҳамиша омон бўлсин!

Англадимки, отахоннинг кайфияти кўтаринки. У шифохонадаги ўзгаришларни, беморларга яратилаётган қулай шароитларни кўриб, қувонгани ҳақиқат. Қолаверса, бу инсонларнинг ёшлик давридаги ҳаёт билан бугунги ҳаётимиз ўртасидаги тафовут катта.

Отахоннинг дуосидан сўнг биргина туманимизда кейинги тўрт йилда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикр юрита бошладим. Марказий шифохона бўлимлари замонавий рақамли портатив рентген, УТТ, сунъий нафас бериш, наркоз аппаратлари, кислород концентраторлари каби замонавий тиббий жиҳозлар, жарроҳлик ва гинекологик операцион тўпламлар билан таъминланди. Туғуруқхона, шошилинч тез тиббий ёрдам, реанимация, қабул бўлимлари жойлашган уч қаватли бино қайта реконструкция қилинди. Маъмурият биноси, зарарсизлантириш бўлими учун янги бинолар қурилди.



Бирлашмадаги айни чоғда олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари учун давлат бюджетидан 21 миллиард сўм маблағ ажратилган. Марказий шифохонадаги отахон айтган реабилитация бўлими қурилишини эса ўз маблағимиз ҳисобидан барпо этяпмиз. Ҳозиргача бу бўлим учун битта 2 ўринли ва битта 3 ўринли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йил охиригача яна иккита шундай бино қурилиб, бўлимдаги ўринлар сони 10 тага етказилади.

Туман қишлоқларидаги 3 та оилавий поликлиника, 9 та оилавий шифокорлик пунктида аҳолига малакали стационар ва бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиляпти. Оилавий поликлиникаларда бешта мутахассислик бўйича врачлар фаолият олиб бормоқда. Уларда аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча имкониятлар яратилган. Оилавий шифокорлик пунктидаги патронаж ҳамширалар аҳоли саломатлигини сақлаш борасида жонкуярлик қилмоқда. Ҳудудларда ҳар 750 нафар аҳоли учун бир штат бирлигида патронаж ҳамшира ажратиляпти.

Туман марказларию, узоқ-яқин қишлоқларда илгари, ҳатто яқин йилларда ҳам бундай шароит йўқ эди-ку. Бугун эса Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт ўзининг янги босқичига кирди, янги бир давр сари қадам ташлади.

Мойбулоқ ва Каттаминг оилавий поликлиникалари лойиҳа асосида қурилгани, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Шу даврда Янги қўрғонча, Зарафшон оилавий шифокорлик пунктлари жорий таъмирдан чиқарилди. “Андоқ”, “Ёнбош”, “Омонкалхат” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 2022 йилда оилавий шифокор пунктлари қурилиши режалаштирилган.

Туман худудидаги оилавий поликлиника ва барча оилавий шифо масканлари замонавий компьютерлар билан таъминланиб, интернет тармоғига уланган. Туман аҳолиси тўлиқ тиббий хатловдан ўтказилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг xatlov.uz ҳамда коронавирус касаллигига қарши эмланадиган контингент emlash.uz дастурларига киритилган.

Туман марказидан олисда жойлашган 8 та қишлоқда яшовчи 32000 нафардан зиёд аҳоли тор мутахассислар иштирокида жорий йилнинг икки ойи мобайнида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. “Аёллар дафтари”да ҳисобда турувчи тиббий ёрдамга муҳтож 327 нафар фуқаро тиббий кўрикдан сўнг стационар ва амбулатор шароитда даволанишга йўналтирилди. “Темир дафтар”да турувчи оилалардаги туғма юрак нуқсони бўлган 8 нафар бола давлат дастури асосида яқин кунларда вилоят ва республика миқёсидаги ихтисослаштирилган марказларда бепул операция қилиниши режалаштирилди. Шунингдек, дастур асосида 8 нафар бемор болага эшитиш аппарати олиб берилди.

Туманимизда аҳоли саломатлиги йўлида қилинаётган бундай ишлар, албатта, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида жадал давом этаётган ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир.

ЭЪТИҚОД

# РАМАЗОН — маърифат ва қадриятлар қадр топган ой

**Музаффар КОМИЛОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари**





**Янгиланаётган Ўзбекистон диёрида муборак Рамазон ойи тинчлик, меҳру оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда, кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Президентимизнинг жорий йил 8 апрель куни "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида, ҳар томонлама муносиб ўтказиш дастури ишлаб чиқилди.**

Дастурга мувофиқ, жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни Ватанимизга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишлар замирида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғояси ётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий ишлар диққат марказидадир.

Юртимизда муқаддас Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш, эзгу амалларни адо этиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўтган йилги Рамазон ойи пандемия шароитида, карантин талаблари палласида ўтгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Шундай қийинчиликларни ҳам давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва метин интизом асосида енгиб ўтдик. Бироқ ҳали хавф чекингани йўқ, эҳтиёт чоралари ҳам бекор бўлмади. Шу боис, бу йил ҳам ушбу ойни карантин талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ўтказишга мажбурмиз. Бу вазият барчамиздан ҳушёр ва сергак бўлиш, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Зеро, Рамазон ойида масжидларда таровеҳ, хатми Қуръон ибодатлари ташкил этилиб, уларда кўплаб намозхонлар иштирок этади.

Шунга кўра, барча масжидларда тозалик ва ободонлаштириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш ва муқаддас Рамазон ойига тайёргарлик кўриш ишлари олдиндан жиддий назоратга олинди ҳамда жорий йилнинг 20 февралидан 20 мартига қадар "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш" ойлиги эълон қилинди. Қайд этиш жоизки, мазкур ойлик давомида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, мавжуд қабристонлар, зиёратгоҳ ва масжидларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда биноларни тўлиқ дезинфекция қилиш ташкил этилди;

— имом-хатиблар ташаббуси асосида маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда 9 мингга яқин маҳалла ва аҳоли яшаш пунктида, маҳаллалардаги ёлғиз кекса, боқувчисини йўқотган 6231 нафар фуқаро хонадонларида ҳашар тадбирлари ўтказилди;

— 131 574 туп гул, мевали ва манзарали дарахтлар экилди, 335 минг метр ариқ тозаланди;

— ОАВ ва интернет орқали аҳолини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига тарғиб этиш йўналишида мунтазам чиқишлар қилинди.

Шу билан бирга, COVID-19 касаллиги тарқалиши бўйича мавжуд ҳолатни эътиборга олиб:

санитария-гигиена ва дезинфекция талабларига қатъий риоя этиш, бино хоналарини ҳар куни дезинфекция қилиш, уларнинг кириш жойларини пирометрлар (контактсиз ҳарорат ўлчагич), антисептик воситалар билан жиҳозлаш;

ижтимоий масофаланишни (1,5-2 метр) сақлаш, бунинг учун ҳудуд ва ибодат жойларига махсус белги қўйиш, таровеҳ намозлари учун асосан, масжид ҳовлиси, очиқ ҳудудларда жойлар ташкил этиш, ибодат тугаганидан сўнг ҳудудни тез фурсатда тарк этиш;

фуқаролар масжид ичида ва намоз асносида тиббий ниқоб таққан ҳолда бўлиши ва масжидга киришда қўлларни дезинфекциялаш воситасидан фойдаланишини назорат қилиш;

диний ташкилотларда жамоавий ибодатларни амалга оширишда 60 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар ҳамда сурункали касаллиги мавжуд шахсларга улар томонидан кунлик диний тадбирларни имкон қадар уй шароитида амалга ошириш бўйича мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш;

жамоавий ибодатлар ташриф буюрувчилар тиббий ниқобда бўлган ҳолда қатъий санитария-гигиена қоидалари асосида ўтказилиши, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида шахсий масъулиятни ошириш юзасидан тарғибот йўлга қўйилди.

Юртимизда қадимдан Рамазон кечалари Қуръони каримни тўлиқ хатм қилиш чиройли анъанага айланган. Бу йил ҳам кўплаб жоме масжидларимизда хатми Қуръонлар тизимли давом этмоқда. Жорий Рамазон ойида мамлакатимизда фаолият юритаётган 2088 та масжиддан 1373 тасида хатми Қуръон (Қуръон китобини тўлиқ ўқиш) ва 685 та масжидда аҳоли талабига кўра, қисқа таровеҳ намозлари ташкил этилмоқда. Ҳозир таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли 30 та масжидда таровеҳ намозлари адо этилмаслиги маълум қилинган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тавсиясига кўра, ушбу тадбирларга 2320 нафар қори жалб этилди.

Рамазон ойининг улуғворлиги, алоҳида фазилатли томони шундаки, у саховат ойи ҳамдир. Меҳр-мурувват, саховат халқимиз ардоқлаган, асрлар оша амал қилиб келаётган азалий қадриятларимиздан ҳисобланади. Саховатли зотлар, уларнинг тарихда қолдирган яхши номлари, саховатпешалик билан амалга оширган ишлари биз учун, ёшларимиз учун ибратдир. Албатта, бундан хайр-саховат фақат шу ойда қилиниши керак, деган маъно чиқмайди. Яъни саховат мавсумий қадрият эмас. Бироқ муқаддас китобларимизда Рамазонда қилинадиган ҳар қандай хайрли амаллар, жумладан, хайр-саховатга ҳам бошқа ойлардагидан бир неча ҳисса кўпроқ ажр берилиши қайта-қайта таъкидланади.

Буюк аллома Алоуддин Самарқандий "Туҳфат ул-фуқаҳо" асарида: "Кишиларда Рамазон ойида савобли ишларни ҳар қачонгидан-да кўпроқ қилишга интилиш иштиёқи янада ортади. Айниқса, давлатманд кишилар закотларини ҳам айнан Рамазонда адо этишлари ҳам шундан", дейди.

Диёримиз мусулмонларига қулай бўлиши учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъатининг милодий 2021 (ҳижрий 1442) йилги закот нисоби, фитр садақа ва фидя миқдори бўйича қарори ҳам эълон қилинди. Қолаверса, бир ой давомида фақат яхши ниятда, яхши амалда бўлган кишиларнинг Рамазондан кейинги ойларда ҳам бундай яхшиликларни давом эттиришлари табиий.

Президентимизнинг юқорида зикр этилган қарорида Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш борасида тавсиялар берилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, "Зиё" медиа маркази билан биргаликда "Ҳидоят сари", "Зиё" кўрсатувлари ва "Рамазон туҳфаси" эшиттириши эфирга узатилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида берилаётган материаллар эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, диний-маърифий руҳдаги, Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган эзгулик, мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ғоялари, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукроналик фазилатларини улуғлашга даъват этадиган суҳбат ва маърузалар шаклида ташкил этилмоқда.

Телеканалларда миллий қадриятларни улуғлаш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга бағишланган бадиий фильмлар, муқаддас қадамжолар, тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишларни ёритувчи ҳужжатли-публицистик фильмлар намойишини ташкил этиш масаласи эса айни муддао бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда диний соҳа ходимлари томонидан интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали Рамазон ойида саҳарлик, ифторликларни хонадонларда оила даврасида, ҳашаматсиз ва камтарона ўтказиш, карантин қоидаларига риоя этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини сунъий равишда оширмаслик, турли бидъат ва хурофотлардан сақланиш, ёт ғояларга асосли раддиялар бериш, аҳоли саломатлигини сақлаш каби мавзуларда тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жума маърузаларида алоҳида мавзулар бериб борилмоқда.

> **Масжидлар имом-хатиблари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамкорлигида Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида истиқомат қилаётганлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногирон, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга "Вақф" хайрия жамоат фонди ҳисобидан ҳамда саховатпеша инсонларни жалб қилган ҳолда моддий ёрдам кўрсатиш ишлари бошлаб юборилди.**

Масжидлар имом-хатиблари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамкорлигида Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида истиқомат қилаётганлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногирон, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга "Вақф" хайрия жамоат фонди ҳисобидан ҳамда саховатпеша инсонларни жалб қилган ҳолда моддий ёрдам кўрсатиш ишлари бошлаб юборилди.

Умуман, амалга оширилаётган барча эзгу ишлар Рамазон ойининг диёримизда янада шукуҳли ва кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилмоқда. Ватандошларимиз бугунги эркин ибодатларига мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик сабаб бўлаётганини чин дилдан ҳис этаётганлари таҳсинга сазовор.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Фольклор санъати — бу инсониятнинг болалик қўшиғидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



**Мўминмирзо ХОЛМЎМИНОВ,**
**Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи**

**Фольклор санъати мазмундорлиги, тарбиявийлиги ва умрбоқийлиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Халқимизнинг турмуш тарзига сингиб кетган бу санъат инсонларнинг дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмаларини акс эттирувчи азалий қадриятдир. Аждодларимиздан қолган мазкур улкан мерос миллат қалбида эзгу ният ва улуғ мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотади.**

Қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш, унга сайқал бериб, келажак авлодга етказишда ҳудудларда фаолият юритаётган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ўрни беқиёс.

Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан ўзбек фольклор санъатининг турли жанрларини ўрганиш, қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлаш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ушбу ноёб меросимизни ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, бадиий ҳаваскорлик жамоалари дастурларини янгилаш, ижро йўллари, саҳна либослари, мусиқа асбобларининг ҳудудий ўзига хослигини таъминлаш, фольклор-этнографик жамоалар фаолиятини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар кўнглимизга ўзгача завқу шижоат ва фахр бағишламоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги "Бойсун" фольклор-этнографик халқ жамоаси Польша, Франция, Буюк Британия каби 20 га яқин хорижий давлатда ўз дастурларини намойиш қилди. Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги "Беш қарсак" фольклор-этнографик халқ жамоаси эса Жанубий Корея, Германия, Озарбайжон каби мамлакатларда ноёб меросимизни тарғиб этди. Булунғур туманидаги "Чавқи" фольклор-этнографик халқ ансамбли, Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Сайхун йигитлари", Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги "Тўрғай", Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги "Момогул" фольклор-этнографик халқ ансамбллари бир неча хорижий давлатда ижодий сафарда бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан фольклор санъатига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда ўтказилаётган "Халқаро бахшичилик санъати", "Буюк ипак йўли", "Нурли наволар", "Бойсун баҳори" каби халқаро фестиваллар бунинг ёрқин исботидир. I Халқаро бахшичилик санъати фестивалида Президентимиз: "Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани — бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман", дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган бу каби фестиваллар номоддий маданий меросимизнинг қадимий намуналарини излаб топиш ва келажак авлодга етказиш, энг гўзал фольклор қўшиқларга сайқал бериш, бугунги тинчлик замонини тараннум этадиган янги қўшиқлар яратиш, қолаверса, кўплаб ҳаваскор ижрочиларни кашф этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказларида фаолият кўрсатаётган 549 та бадиий ҳаваскорлик жамоасига "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" ҳамда "Болалар намунали жамоаси" мақоми берилган. Айни пайтда 154 та ашула ва рақс халқ ансамбли, 142 та фольклор ансамбли, 44 та рақс халқ ансамбли, 21 та мақом ансамбли, 26 та вокал-чолғу эстрада халқ ансамбли ҳамда кўплаб театр ва халқ студиялари халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

Миллий қадриятларимиз барҳаётлигини намоён этувчи Наврўз умумхалқ байрами ва давлат тадбирларига фольклор-этнографик жамоалар доимий равишда жалб этилиши натижасида уларнинг фаолияти жонланди.

Мазкур жамоалар фаолиятини чуқур ўрганиб, қайта шакллантириш, янгиларини ташкил этиш, бунинг учун йўлланма ва тавсиялар берадиган илмий рисолалар, методик қўлланмалар тайёрлаш, жамоалар дастурларини ўз ҳудудларига хос маросим қўшиқлари, шунингдек, қадимий рақслар билан бойитиш, мусиқа чолғулари ҳамда саҳна либосларига алоҳида аҳамият қаратиш, жамоаларга ёш истеъдодли ижрочиларни жалб этиш соҳа мутахассислари ва бадиий раҳбарларнинг асосий вазифаларидандир.

Сўнгги тўрт йил мобайнида бахшичилик ва достончилик санъатини сақлаб қолиш, муҳофазага олиш, ривожлантириш, ёшларни она юртга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялашда бу санъатнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ эканини эътироф этишимиз зарур, албатта.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги ва 2019 йил 14 майдаги "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари айни соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Куни кеча эса Президентимизнинг "II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда жорий йилда II Халқаро бахшичилик санъати фестивали Нукус шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ҳозирги кунда фестивални юқори ташкилий даража ва бадиий савияда ўтказиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўришга жадал киришилган. Бундан ташқари, фестивални санитария-эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда, ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсади ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос санъати, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, фольклори, хусусан, халқ ижодиёти санъатининг бахшичилик, катта ашула, ўлан, лапар, ёр-ёр каби йўналишлари, чанқовуз, сибизға, қўшнай, бўламон ва дўмбира каби қадимий чолғуларни тарғиб қилишдан иборатдир. Бу эзгу амаллар бардавом бўлишига ишонамиз.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1275.
79778 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари в.б.
**Бахтиёр Абдусатторов**

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:55
Топширилди — 00:35